



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР  
ВА ЗАХИРА ЖАМҒАРМАЛАРИДАН МАБЛАҒ  
АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2024**



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР  
ВА ЗАХИРА ЖАМҒАРМАЛАРИДАН МАБЛАҒ  
АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – 2024 йил**

## Мундарижа

Кириш .....	3
Умумий қоидалар.....	4
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбаларидан маблағ ажратиш асослари .....	5
Қўшимча манбалардан маблағ ажратиш тўғрисидаги қарорларни тайёрлаш .....	8
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, туман (шаҳар) бюджетларининг захира жамғармаларидан маблағ ажратиш асослари .....	11
Маблағ ажратишга доир қарорлар лойиҳасини электрон тизимда ишлаб чиқиш, манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ҳамда тасдиқлаш ....	12
Бюджетдан ташқари жамғармалардан маблағ ажратиш тартиби .....	13
Иловалар .....	14

## КИРИШ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўшимча манбалар ва захира жамғармаларидан маблағ ажратишга доир қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича услубий қўлланма (*кейинги ўринларда – Қўлланма дейилади*) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Қўлланма Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети (*кейинги ўринларда – Маҳаллий бюджетлар дейилади*), туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ва захира жамғармаларидан маблағ ажратишга доир қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ва қабул қилиш (чиқариш)нинг ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланма Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудий давлат органлари масъул ходимларининг мазкур соҳадаги кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга эга.**

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур қўлланма Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар, туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбалари ва захира жамғармаларидан маблағ ажратишга доир қарор (фармойиш)ларини ишлаб чиқиш, манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ва қабул қилишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

Қўлланма Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ва бошқа ҳудудий давлат органлари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш учун методик қўлланма вазифасини бажаради.

***Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари:***

- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбаларидан маблағ ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ✓ бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш;
- ✓ қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатлар.

***Маълумот учун:***



*Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тегишли маҳаллий бюджетлардан туман (шаҳар) бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди.*

***Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимларнинг ваколатлари:***

- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, тегишинча маҳаллий бюджетлар, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;


- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, туман ва шаҳар бюджетларининг қўшимча манбаларидан маблағ ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ✓ қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатлар.

**Маблағ ажратиш юзасидан қабул қилинадиган (чиқариладиган) ҳужжатлар:**

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари – қарор;*

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари – қарор ва фармойиш.*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТИ,  
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ВА ТУМАН (ШАҲАР)  
БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИДАН МАБЛАҒ  
АЖРАТИШ АСОСЛАРИ**



✓ Туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг **камида 30 % и** жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

✓ Юқори турувчи бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан туман (шаҳар) бюджетлари орқали ушбу **ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни** амалга ошириш учун маблағ ажратилиши мумкин (*Кенгаш қарори асосида*).

✓ Бюджет даромадларининг 1–3-чорак якунлари прогнозидан ошириб бажарилган маблағлар, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан ҳақиқатда тушган тушумлар ҳисобидан харажатлар амалга оширилганда тегишли бюджетларга **ўзгартириш киритилмайди**.

✓ Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан махсус ғазна ҳисобрақамарига ҳақиқатда тушган тушумлар тақсимои юзасидан Кенгаш қарорини қабул қилиш **талаб этилмайди**.

*Маълумот учун:*



*Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, маҳаллий бюджетларнинг, туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг қўшимча манбалари ҳар бир бюджетда алоҳида-алоҳида шакллантирилади. Бюджетларнинг қўшимча манбалари юқори турувчи бюджетларда **марказлаштирилмайди**.*

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва ҳокимларга тегишинча бюджетларнинг қўшимча манбаларидан мустақил ёки умумий тартибда **фойдаланишга рухсат бериш қатъиян тақиқланади**.

✓ Бюджетларнинг қўшимча манбалари тегишли бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмаган ташкилотларни сақлаб туришга йўналтирилиши **қатъиян тақиқланган**.

*Маълумот учун:*



*Махсус ғазна ҳисобварақларида ҳисобга олинган қўшимча манбалар маблағлари бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазна ҳисобварақларига кўчириш орқали сарфланади.*



## Қўшимча манбалар биринчи навбатда йўналтириладиган мақсадлар:

- Президент ҳужжатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши дастурлари, Президентнинг ҳудудларга таширифи жараёнидаги топшириқларнинг бажарилиши назарда тутилган тадбирларни молиялаштириши;
- Ҳукумат қарор (фармойиш)ларида белгиланган харажатларни молиялаштириши;
- бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташилотларига етказилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар (қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан бирга) бўйича кредитор қарздорликларни қоплаш;
- жорий молия йили учун белгиланган айланма касса маблағларининг миқдорини тўлдириши;
- ижтимоий соҳа объектларини қуриши, реконструкция қилиши, капитал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, йўл ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириши ҳамда сув ва оқова сув таъминотини яхшилаш;
- фавқулодда ҳолатлар, табиий офатларнинг олдини олиши ва оқибатларини бартараф этиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириши;
- қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа харажатларни қоплаш.

✓ Бюджетларнинг қўшимча манбалари тегишли бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмаган ташкилотларни сақлаб туришга йўналтирилиши **қатъиян тақиқланган**.

### *Маълумот учун:*



Махсус газна ҳисобварақларида ҳисобга олинган қўшимча манбалар маблағлари бюджет ташилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг газна ҳисобварақларига кўчириши орқали сарфланади.

## ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

✓ Қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратишга доир **қарорлар** *ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида* Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

✓ Кенгаш қарорини қабул қилишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг **таклифлари** асос бўлади. Таклифлар қуйидагилар асосида ишлаб чиқилиши лозим:

● қўшимча манбалар шаклланганлиги бўйича тегишинча **молия ва солиқ органларининг хулосалари;**

● қўшимча манбалар ҳисобидан тадбирларга маблағ йўналтириш мақсадга мувофиқлиги бўйича қўшимча манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни умумлаштирувчи **комиссия хулосаси.**

✓ **Фавқулодда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва ҳокимлар ҳам *қўшимча манбалардан фойдаланишга доир қарор* қабул қилиши мумкин.

! *Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан бундай қарорлар ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қабул қилинади.*

✓ Ҳукуматнинг 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарорига асосан **2023 йил 1 январдан бошлаб** давлат органлари ва бошқа ташкилотлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишга тўлиқ ўтиши белгиланган. Шу боис, Кенгаш қарорлари, ҳоким қарор ва фармойишлари **лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида** қабул қилиниши (чиқарилиши) керак.

✓ Кенгаш қарорлари Ҳукуматнинг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари

аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича Йўриқнома асосида расмийлаштирилади.

*пухта таҳрирланган бўлиши*

*белгиланган шаклдаги  
бланкада, қўлда киритилган  
тузатишларсиз чоп этилиши  
(эълон қилиниши)*

**Кенгаш  
қарорлари**

*қарор номи қисқа ва қарорнинг  
асосий мазмунига мувофиқ  
бўлиши*

**ЛОЗИМ.**

*қайд этиш ва фармойиш  
қисмларидан иборат бўлиши*

✓ Қарор лойиҳасини тайёрлаётганда унинг **қайд этиш** қисмида куйидагиларни кўрсатиш лозим:

- қарорни қабул қилиш заруриятини юзага келтирган мақсад ёки асослар;
- зарурат бўлса – эришилган ютуқлар кўрсатилиши, танқидий баҳолар берилиши, камчиликлар;
- қарорни қабул қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳаволалар\*.

✓ Қарорнинг **фармойиш** қисмида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгаши номи кўрсатилади ва «Қарор қилди» деган сўзлар ёзилади. Фармойиш қисми араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар ва кичик бандларга бўлиниши мумкин.

✓ Фармойиш қисмида қарор қабул қилинишига асос бўлган юқори турувчи органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари кўрсатиб ўтилганда мазкур ҳужжатнинг мазмуни алоҳида бандда «*маълумот учун қабул қилинсин*» ёки «*амал қилиш учун қабул қилинсин*» тарзида баён этилади.

✓ Илгари қабул қилинган қарорлар ёки уларнинг айрим бандлари бекор қилинаётганда (ўзгартириш киритилаётганда) қарорнинг санаси, рақами ва номи аниқ кўрсатилади ва «... *ўз кучини йўқотган деб топилсин*» деб ёзилади.

---

\* Ҳавола қилинаётганда норматив ҳуқуқий ҳужжат тури, ҳужжатни қабул қилган орган, қабул қилинган санаси ва рақами, ҳужжатнинг тўлиқ номи кўрсатилиши керак.

- ✓ Шунингдек, фармойиш қисмида қуйидагиларни кўрсатиш лозим:
  - топшириқлар берилган бандлар (ким, нима қилиши керак ва унинг ижро муддати)\*;
  - қарорнинг охириги бандларида қарорнинг ижроси зиммасига юклатилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари;
  - қарорнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи Кенгашнинг доимий комиссияси, депутати ёки депутатлар гуруҳи (масалан, «Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ... зиммасига юклатилсин»).
- ✓ Аниқ топшириқлар бўлмаган бандни *«тасдиқлансин», «маъқуллансин», «маълумот учун қабул қилинсин»* ва бошқа шу каби сўзлар билан ифодалаш мумкин.
- ✓ Қарорнинг тартиб рақами **«E-qaror»** электрон тизимида автоматик шаклланади ва ҳисобга олинади (2-иловага қаранг).
- ✓ Қўшимча манбалар ҳисобидан тадбирларга маблағ ажратиш бўйича таклифлар **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун муддатга «E-qaror» электрон тизимига жойлаштирилади.**
- ✓ Қарор лойиҳасини, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторида, чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 2 см, паст ва юқори ҳошиялари 2 см бўлган саҳифада, 14 ўлчамли шрифтда, биринчи қаторнинг сатр бошиси 1,27 см, қаторлар ўртаси 1 интервалдан фойдаланиб тайёрлаш **тавсия этилади.**

**Маълумот учун:**



Қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбар ва масъул ходимлари ушбу маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига **шахсан жавобгар** ҳисобланадилар.

---

\* Ижрочи сифатида ташкилотлар ва мансабдор шахслар кўрсатилиши мумкин.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТИ, МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР, ТУМАН (ШАҲАР) БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ЗАХИРА ЖАМҒАРМАЛАРИДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ АСОСЛАРИ

✓ Молия йили мобайнида **қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида** ҳамда **узлуксиз молиялаштирилишини** таъминлаш учун захира жамғармалари ташкил этилади.



*Қорақалпоғистон Республикаси  
бюджети, маҳаллий  
бюджетлар, туман (шаҳар)  
бюджетлари даромадлари*

*Захира жамғармалари  
маблағлари*

✓ Қорақалпоғистон Республикаси **Вазирлар Кенгаши** ва **ҳокимлар** захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчиларидир.


✓ Захира жамғармасидан **қуйидаги мақсадларда** маблағ ажратилиши мумкин:

- *фавқулодда ҳолатни жорий этиш натижасида мажбурий олиб қўйилган ашёнинг йўқ қилинганлиги ёки шикастланганлиги учун компенсация тўловларини тўлаш;*
- *террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш;*
- *фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини моддий-техник таъминлаш (маҳаллий бюджетлар захира жамғармаларидан);*
- *табiiй офатлар оқибатида жабрланган аҳолига етказилган зарарни қоплаш;*
- *қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда.*

✓ Захира жамғармасидан ажратилган маблағлар молия йили давомида фойдаланилмай қолганда молия йили тугагач тегишли бюджетга қайтарилади.

✓ Кенгаш қарори лойиҳасини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни захира жамғармасидан маблағ ажратишга доир қарорлар лойиҳаларига ҳам қўллаш мумкин (2-3-иловаларга қаранг).

### *Захира жамғармасидан маблағ ажратиш жараёни:*



### **МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ДОИР ҚАРОРЛАР ЛОЙИҲАСИНИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМДА ИШЛАБ ЧИҚИШ, МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ ҲАМДА ТАСДИҚЛАШ**

✓ Маблағ ажратишга доир қарор лойиҳалари «**E-qaror**» электрон тизими орқали қабул қилинади (1-иловага қаранг).

✓ «**E-qaror**» электрон тизимида қарор лойиҳалари белгиланган расмийлаштириш талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади. «**E-qaror**» электрон тизими лойиҳа тайёрланадиган расмий бланкани автоматик шакллантиради, шунингдек, ҳужжат санаси, рақами ва уни қабул қилган (чиқарган) орган номи, мансабдор шахс ҳақидаги маълумотларни кўрсатади.

✓ «**E-qaror**» электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда қабул қилинган (чиқарилган) қарорлар ва фармойишлар юридик кучга эга бўлмайди ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

✓ Манфаатдор ташкилот ҳужжат лойиҳаси юзасидан белгиланган муддатда «E-qaror» электрон тизими орқали муносабат билдирмаса, лойиҳа келишилган ҳисобланади.

Хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар «E-qaror» электрон тизими бош саҳифасида **эълон қилинмайди**.

✓ Лойиҳанинг қонунчилик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда қабул қилиниши учун манфаатдор ташкилотлар **рахбарлари ва масъул ходимлари жавобгардир**.

## БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

✓ Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари шахсий ғазна ҳисобварақларида туради, олиб қўйилмайди ҳамда тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига кўра сарфланади.

*Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича ҳудудий марказлаштирилган жамғармалар маблағларидан фойдаланиш*

✓ Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қопланишини молиялаштириш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг қарори (*мажлис баённомаси*) асосида маҳаллий ҳокимликларнинг (шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликларининг) ҳисоб-китоб бўлими ҳудудий жамғармадан зарар суммасини қоплаб беради.

*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплаб бериш бўйича ҳудудий жамғарма маблағларидан фойдаланиш*

✓ Юридик хизматнинг маблағларни тўлаб бериш тўғрисидаги **таклифи асосида** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳисоб-китоб бўлимига суд ҳужжатида кўрсатилган маблағларни **қоплаб бериш бўйича кўрсатма** беради.

✓ Ҳисоб-китоб бўлими кўрсатма келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида ҳудудий жамғармасидан мавжуд маблағлар доирасида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маблағларни ариза берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

### Маблағ ажратилишга доир қарор лойиҳаларини «E-qaror» тизимида ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш ва эълон қилиш схемаси







## XALQ DEPUTATLARI BULOQBOSHI TUMAN KENGASHI QARORI

170500, Buloqboshi t., M.Ismoiliy ko'chasi 6-uy, Telefon: (74) 7732560 e-mail: buloqboshi@exat.uz

2023 - yil 1 - dekabr

VI-77-95-1-20-K/23

Buloqboshi tumani hokimligi

### **Buloqboshi tuman mahalliy budjetining 2023 yil 1-chorak daromadlar rejasini orttirib bajarilgan qismi hisobidan shakllangan mablag'larni yo'naltirish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Budget Kodeksining 27-, 126-moddalariga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonunining 6- va 24-moddalariga asosan Xalq deputatlari tuman Kengashi

#### **QAROR QILADI:**

1. Buloqboshi tuman hokimining o'rinbosari (Ф.Норматов)нинг 23.11.2023 yil kungi bildirishnomasi hamda Buloqboshi tumani iqtisodiyot va moliya bo'limining 23.11.2023 yil kungi 01/01-38/330-sonli xati ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Buloqboshi tuman mahalliy budjetining 2023 yil 1-chorak yakuni bilan daromadlar rejasini orttirib bajarilgan qismi hisobidan 124.0 mln so'm mablag' tumandagi "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazi binosini joriy ta'mirlash xarajatlari uchun ajratilsin.

3. Tuman hokimining birinchi o'rinbosari (F.Bo'taxonov), tuman iqtisodiyot va moliya bo'limi (A.Rasuljonov) va g'aznachilik bo'limi (D.To'rayev) bilan birgalikda ushbu qaror loyihasiga asosan ajratilgan mablag'larni belgilangan tartibda yo'naltirilishini hamda moliyalashtirilishini ta'minlasin.

4. Mazkur qaror ijrosini nazorat qilish Xalq deputatlari tuman Kengashining mahalliy budjetni shakllantirish va ijro etish, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi raisi (N.Sotvoldiyev) hamda tuman hokimining birinchi o'rinbosari (F.Bo'taxonov) zimmlariga yuklatilsin.

**Туман ҳокими**



**О'.Мамуров**



**QASHQADARYO VILOYATI  
NISHON TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

181100 Nishontumani, Yangi Nishon shahri O'zbekistonko'chasi 20-uy Faks: (+998) 755-121-100 t.nishon@exat.uz

2023 - yil 24 - noyabr

495-4-65-Q/23

Nishon tuman hokimligi

**Tuman mahalliy budjetdan mablag' ajratish to'g'risida**

"Yashil makon" loyihasi asosida manzarali va mevali ko'chatlar sotib olish xarajatlari uchun tuman mahalliy budjetidan mablag' ajratish maqsadida, O'zbekiston Respublikasining Budget kodeksi va "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 6-moddasiga asosan,

**QAROR QILAMAN:**

1. Tumani iqtisodiyot va moliya bo'limi (X.Yo'ldashov) tuman mahalliy budjetining 2023-yil zaxira mablag'lari hisobidan "Yashil makon" loyihasi asosida manzarali va mevali ko'chatlar sotib olish xarajatlari uchun 30 000 000 (o'ttiz million) so'm mablag'ni tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasiga ajratsin.

2. Tuman g'aznachilik bo'linmasi (S.Xaqnazarov) tomonidan mazkur qarorga asosan ajratilgan mablag'ni o'z vaqtida belgilangan tartib bo'yicha moliyalashtirish choralari ko'rilsin.

3. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi (Sh.Tursunov)ga ajratilgan mablag'dan maqsadga muvofiq foydalanish topshirilsin.

4. Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o'rinbosari E.Boboqulov zimmasiga yuklansin.

**Tuman hokimi**



**B.Tog'ayev**

**Маҳаллий бюджетлар ва туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбалари ва захира жамғармаларидан маблағ ажратишга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ-781-сон Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «E-qaror» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сон қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 61-сон қарори;
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарори.